Илм—ўзни билмакдир

МАҒРИФАТ

معرفت

MARIFAT

Халқ зиёлилари газетаси — 1931 йилдан чиқа бошлаган — 1993 йил 27 октябрь, чоршанба — № 66 (6577). Баҳоси сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОНДА БМТ ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛДИ

24 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кунига ҳамда Ўзбекистонда БМТ ваколатхонасининг расмий очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. БМТнинг республикамиздаги доимий вакили Холид Малик ваколатхонага ажратилган кўркам бино ҳамда эътибор учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига миннатдорлик изҳор этди.

Ваколатхонанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

— Гўзал Тошкент шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ваколатхонаси очилаётгани катта тарихий воқеадир, — деди Ислом Каримов. — Бу тарихий ҳодиса умумжаҳон ташкилоти тузилган кунда рўй бераётгани алоҳида эътиборга молик. Ўзбекистон ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳозирги жўшқин, зиддиятли даврда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дунёда тинчлик ва хавфсизлик йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Бу нуфузли ташкилот Марказий Осиё минтақасида барқарорликни таъминлаш мақсадида семинар чақиради, деб умид қиламиз. Республикамиз пойтахти Тошкент унга муносиб жой бўла олади.

Ваколатхона олдида Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси садолари остида БМТ байроғи кўтарилди. Шундан сўнг меҳмонлар ваколатхона биносида шимолий Афғонистон ҳақидаги суратлар кўргазмаси, туркман миллий гиламдўзларининг ишлари, Ўзбекистон амалий санъати намуналари ва бошқа кўргазмалар билан танишдилар, ўзбек халқ қўшиқларини тингладилар.

Ваколатхонанинг расмий очилиш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари, хорижий давлатларнинг республикамиздаги элчихоналари вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзА).

«Театр: Шарқ—Ғарб» Фестивали

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Тошкентда «Театр: Шарқ-Ғарб» халқаро анжумани давом этмоқда. «Туркистон» санъат саройида бўлиб ўтган фестивалнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбоев анжуман иштирокчилари ва меҳмонларни халқаро театр байрами билан самимий қутлади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг анжуман қатнашчиларига табриги ўқиб эшиттирилди.

Шу куни Ҳамза номидаги Давлат Академик театрида Шекспирнинг «Корнолон» спектакли билан фестиваль дастурига кирган асарларни намойиш этиш бошланди. Айни пайтда Тошкент театрлари саҳналарида Туркия, Англия, Олмония, Ҳиндистон, Гонгконг, Туркманистон каби ўнлаб мамлакатларнинг режиссёрлари ва артистлари ўз спектаклларини намойиш этмоқдалар.

Анжуманда жумҳуриятимиз театрлари ҳам бир қанча спектакллари билан қатнашмоқдалар.

Қувончли хабарлардан бири — 26 октябрда анжуманда БМТ куни бўлиб ўтди.

Анжуман ғарбу шарқ мамлакатлари театр санъати вакиллари қалбида мустақил Ўзбекистон сиймосини бор бўй-басти билан намоён этиш, маданий алоқаларни янги, юксак поғонага кўтариш шубҳасиздир.

Суратларда: анжумандан лавҳалар.

ЭҲМ истиқболга йўл очади

ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

Ўтган йилларни эсласам юракда оғриқ туради. Хорижий мамлакатларда ёш болалар компьютер билан тиллашаётган кезда бизда уни ишлата биладиганлар бармоқ билан санарли эди-да. Тан олишимиз керак, компьютер инсон аклини теранлаштириб, унинг дунёқарашини шакллантириши, маънавий юксакликка ундаши сир эмас. Хайриятки, мустақиллик шарофати ила [illegible]ларимиз қанот ёзди. Мактабларимиз, билим масканларига ҳамма турдаги электрон-ҳисоблаш машиналари кириб келди. Жумладан, биз ҳам ана шундай қулайликдан баҳраманд бўлдик.

Дарҳақиқат, бозор иқтисодиётига ўтиш даврини электрон-ҳисоблаш машиналарисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мактабимизда мавжуд бўлган ЭҲМ билан мулоқот қилиш учун Бейсик тилида тушунчалар ҳосил қилинаётир. Яъни Бейсик тилининг элементлари: алфавити ўзгармас ва ўзгарувчи, катталиклар, стандарт функциялар ва ифодалар ҳақида маълумотлар бериляпти. Тажриба ҳамда ўтказилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ЭҲЙ курсини ўқитиш 8—11-синфлар, кейинроқ 3—11-синфларга кўчириш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчилар, айниқса, қуйи синф болалари алгоритмик ва Бейсик тилларининг фарқлари ҳамда ўхшаш томонларини билганларидан сўнг Бейсик тилидаги ифоралар ва оддий дастурлар ёзиш малакаларини эгаллайдилар.

Информатика фанини қунт билан ўрганиш ҳаётий тажрибаларга ҳам боғлиқ. Чунки ҳаётда учрайдиган амалий масалаларни ечиш, биринчи навбатда, теран фикрлашни ҳам талаб қилади. Инсон ақлий ва амалий фаолиятларининг аксарият қисми алгоритмлар билан тавсифланади. Шунинг учун информатика ўқитилишининг татбиқий йўналишида алгоритмлашга алоҳида эътибор берилади. Ўқувчи алгоритмик маданиятнинг аҳамиятини қанчалик англаб етса, унда информатика ва ҳисоблаш техникасини ўрганиш муносабати шунчалик ўзгариб боради. Ана шу мақсадда мактабимизда «Информатика ҳафталиги» ўтказиб бориш мунтазам йўлга қўйилган.

Яқинда билим масканимизда вилоят ва туман ўқитувчилари иштирокида информатика фанининг математика, физика фанларига, шунингдек, бошланғич синфларга алоқадорлиги мавзуида семинар ўтказилди. Кейинги гал эса туман халқ таълими бўлими раҳбарлари, илғор ўқитувчилар даврасида тажрибамиз ўртоқлашилди. Демоқчиманки, биз муаллимлар бир ёқадан бош чиқариб, бамаслаҳат ишласак, фойдадан ҳоли эмас.

Айрим ўқитувчилар информатика машғулотларида ўқувчилар зерикиш туфайли тоқатсиз ўтиришларидан зорланишади. Аслида ўқувчини қизиқтириш муаллимнинг ўзига боғлиқ. У дарсни қанчалик мазмунли ўтса, болалар қалбига йўл топса, шу қадар ишонч қозонади. Биз ҳафтанинг душанба, жума ва шанба кунлари синфдан ташқари машғулотлар олиб бориб, уларнинг мазмундорлигига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бундан ташқари математика фанининг пойдеворини қўйган 14 нафар олимларимизнинг ғоят бой меросини ўрганиб, уларни дарсларга татбиқ этиш дастурини яратдик. Бу дастурни ЭҲМ хотирасига жойладик. Шуниси қувонарлики, ўқувчиларимиз уни «Правец — 8» компьютеридан ўрганишиб, тест синовидан ўтдилар.

Шу кунларда буюк математик олим Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллигини муносиб нишонлаш учун тайёргарлик кўряпмиз. Алломанинг ноёб истеъдоди, қобилияти ҳақида унинг замондошлари, тарихчилар қимматли маълумотлар қолдиришган. Бу манбаларни ўқувчиларимиз талқин этиб, бобомиз яратган илмий мактабни ўрганишиб, алоҳида компьютер дастури туздилар.

ЭҲМ билан тиллашиш, айниқса, қишлоқ мактабларида уни чуқур ўргатиш масъулияти зиммамиздаги муҳим вазифадир. Ахир фарзандларимиз камоли — юртимиз истиқболи. Мустақил мамлакатимизнинг гуллаб яшнаши, тараққий этиши уларнинг ақл-заковати, тадбиркорлигига боғлиқ.

М. ТОШНАЗАРОВ,

Избоскан туманидаги 12-ўрта мактабнинг 1-тоифали информатика ва математика фани ўқитувчиси.

«ХАЛҚ ДАРДИНИ ЖОЙЛАДИМ ДИЛГА»

Республика Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси яқинда хайрли бир ишга қўл урди. Адабиёт дарслигига асарлари кирган адиблар билан очиқ мулоқот ташкил этди.

Бундай учрашувларни ўтказишдан мақсад, дарсликдан ўрин олган асарларнинг яратилиш тарихи билан адабиёт ўқитувчиларини кенгроқ таништириш, ёзувчи, шоир ҳаётига доир маълумотлар билан ошно қилиш, ҳар бир болага асар ва адиб ҳақида чуқурроқ маълумот беришдан иборат.

Ана шундай учрашувларнинг дастлабкиси республика Ўқитувчилар уйида Ўзбекистон халқ шоири, жамоат арбоби Шукрулло билан ўтказилди.

Республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев очиқ мулоқотни бошлади. Таниқли шоир Жамол Камол шоирнинг ижоди ва ўзбек адабиётида тутган ўрни ҳақида гапирди.

Сўнгра Шукрулло асарларининг яратилиш тарихи ҳақида сўзлади. Айниқса, унинг қатағон йилларида қамоқхонада кечирган аламли кунлари ҳақидаги ҳикояси барчани ларзага солди.

Энг муҳими очиқ мулоқот барчада катта таассурот қолдирди.

БИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«АМИР ТЕМУР ҚАНЧА ТОШ КЎТАРГАН?»

ЕХУД 2-СИНФ «ЎҚИШ КИТОБИ» ҲАҚИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАРНИ ЎҚИБ...

«Маърифат» газетасининг 6 октябрь сонида эълон қилинган «Амир Темур қанча тош кўтарган?» сарлавҳали мақолани ўқиб, унинг ҳар бир бандини жамоамиз билан қизғин муҳокама қилдик. Аввало, мақола муаллифига ҳамда таҳририят аъзоларига дарсликни синчиклаб, диққат билан таҳлил этганлиги, қолаверса, бутун жамоатчилик эътиборини ушбу муаммога қаратганлиги учун миннатдорчилик билдирамиз.

Бу янги давр, янги талаб натижасидир. Яширишнинг ҳожати йўқ, ўтган йилларда дарсликлар мазмунмундарижасини белгилаш ўз қўлимизда бўлмагани сабабли, чалкашликлар, бизни ҳам қийнаган айрим муаммолар ҳақида фикр юритиш бугунгидай эркин эмас эди. Асосий қисми таржимадан иборат дарсликлар ҳақида матбуотда бугунгидай ошкора таҳлилларни деярли учратмасдик.

Мустақиллигимиз барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимимизда ҳам фақат эркинликнигина эмас, катта масъулиятли ишларни амалга оширишни ҳам талаб этмоқда. Шу маънода таҳририят томонидан келтирилган барча фикр-мулоҳазалар ўринлидир.

Мақолани, унда келтирилган камчиликларни дарслик билан солиштириб ўрганиш давомида биз ҳам қуйидаги фикрларни билдиришни лозим топдик:

— Мақола муаллифи томонидан 6, 9, 19, 44, 108, 89, 99-саҳифаларда тўғри қайд этилган **к—қ, у—ў, гр—кг, л—р, и—у** ҳарфларининг нотўғри берилиши чоп этиш жараёнига хос бўлган техник хатолар бўлиб, улар қайта нашрларда бартараф этилади. Дарсликда фойдаланилган **«емиш»** сўзи ҳақида шуни айтиш керакки, бу сўздан тарихий манбаларда жуда кўп қўлланилган. **«Матн»** сўзи эса 1-синфдан бошлаб ўқувчиларимизга **«текст»** сўзи ўрнида таништириб борилади. Бошланғич таълим дастурига кўра III синфда «Она тили» дарслигида **«матн»** ҳақида қоида берилади. Шунингдек, бошланғич таълим дарсликларида ҳикоя ҳам, масал ҳам деб атаб бўлмайдиган матнлар борки, улар айнан шу сўзнинг ишлатилишини талаб этади.

Шунингдек, дарсликнинг 3, 4, 36, 91, 92, 11, 59, 99, 103-саҳифаларига оид муаллифлар фамилиясининг ўринсиз берилганлиги, шаҳарлар тўғрисида маълумот ва топшириқлардаги жумбоқлар, қушлар ва паррандаларга, ҳайвонларга доир матнлардаги камчиликлар тўғри, деб эътироф этилди. «Ўқиш китоби»нинг бадиий безатилиши, суратлар, муқова ва саҳифалар сифатининг пастлиги эса ҳозирги иқтисодиётимиз муаммоларига, хусусан, қоғоз танқислигига бориб тақалади. Бундай аҳволни фақат бу китобда эмас, балки кўпгина дарсликларимизда кузатиш мумкин.

Яқин орада дарсликни шу куннинг талабига жавоб бера оладиган қилиб чоп этиш, яъни унга ватанпарварлик, миллий, экологик, иқтисодий тарбияга оид асарлар ва тарихий-миллий меросни киритишга бўлган интилишни эътироф этмоқ зарур. Ҳозирги кундаги қайта нашр қилинаётган дарсликларимиз тубдан янгиланадиган дарсликлар сари қадам бўлиб, ундан уларни яратишга доир муаммолар шу куннинг, яъни катта ўзгаришларга ўтиш даврининг муаммоларидир.

Ҳар бир дарслик фақат ижод билан эмас, балки чуқур таҳлил, танқид, таклиф ва тавсиялар билан мукаммаллашади. «Ўқиш китоби» юзасидан билдирилган холисона мулоҳазалар учун миннатдорчилик билдирган ҳолда, биз яхши дарсликлар яратишга доир қимматли таклиф ва тавсияларни ҳам кутиб қоламиз.

РУММнинг бошланғич таълим бўлими қошида ташкил этилган ишчи гуруҳ аъзолари:

К. НАЗАРОВ, профессор.
Р. ИКРОМОВА, профессор.
С. САЪДИЕВА,
Н. ЎРМОНОВА,
Ш. ҲАКИМОВА,
Г. МАМАЖОНОВА.

* * *

Нашриётимизда шу йилнинг 2 июль куни 2-синф «Ўқиш китоби»нинг сигнал нусхаси кенг муҳокама қилинганди. Унда дарсликдаги хато ва камчиликлар учун китоб муҳаррири Ҳ. Юсупова, мусаҳҳиҳ А. Одилов қаттиқ огоҳлантирилган эди. «Маърифат»даги чиқишдан сўнг ҳам бу масала «Ўзбек тили ва адабиёти» таҳририятида атрофлича муҳокама этилди. Айни кунларда бу китоб қайта нашрга тайёрланмоқда, илгаригиларида йўл қўйилган нуқсонлар бартараф этилади, деб ўқитувчиларни ишонтирамиз.

И. АҲМАДЖОНОВ,
«Ўқитувчи» нашриётининг бош муҳаррири.

БОҒЧАДА ЧЕТ ТИЛЛАРИ

Бугунги кунда чет тилларни билиш моҳияти кўпчиликка маълум. Шу боис болаларни боғчаларданоқ кўп тиллиликка ўргатишга эътибор кучайтирилмоқда.

Задарё туман халқ таълими бўлимига қарашли 2, 4, 8, 10-болалар боғчаларида бу соҳада олиб борилаётган ишлар ибратли эканлиги ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашида алоҳида таъкидланди. Боғчаларда М. Яминов, М. Чягай, А. Шегай каби ўқитувчилар кичкинтойларга араб, инглиз ва француз тилларини қунт билан ўргатишаётир.

Қ. АКБАРОВ.

ОБУНА—94

ЭНГ ЯҚИН ҲАМРОҲ

Муҳаммад пайғамбар саллоллоҳу алайҳи вассалам ҳадисларининг бирида: «Бешикдан қабргача билим изла» деганлар. Барча замонларда билим ҳар қандай қийинчилик онларида ҳам комил инсонларга беқиёс озиқ вазифасини ўтаган. Улар дунё бойликларидан этак силкиб, фақирона ҳаёт кечирса-да, маънавий озиқ орқали чинакам иймон ва эътиқод, тўғрилик ва софлик, иффат ва ҳаёни юракларига жо қилиб, фақат шу илм қонунлари асосида яшаганлар.

Ҳозирги иқтисодий танқислик шароитида айрим кишилар китоб, ойнома ва рўзномаларнинг нархи ҳам ошди, уларни энди сотиб олиб бўлмайди, демоқдалар. Тўғриси, бундай фикрловчиларнинг кўпчилиги матбуот нашрлари арзон бўлган йилларда ҳам уларни ўқиб, маънавий озиқа олганларига ишонмайман.

Уттиз йилдирки, «Шарқ юлдузи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Маърифат» каби журнал ва газеталарга узлуксиз обуна бўлиб бораман. Бу йил ҳам «Шарқ юлдузи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Маърифат», «Сирли олам», «Қалб кўзи» каби газета ва журналларга обуна бўлдим.

Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсам, маънавият истаган киши бу моддий бойликнинг нархини пулга чақмайди. Айниқса, педагоглар учун бу ўта муҳимдир. Матбуот нашрларини ўқимаслик, «ғўр» ва «кўр» бўлиб қолиш билан баробар. Педагог учун эса айни кунда матбуот нашрларини ўқиб бориш, ёшларга сабоқ беришда улардан фойдаланиш аҳамиятлидир.

Баски шундай экан, биз маорифчилар маънавият оламига чуқурроқ кириб боришда газета ва журналларни биринчи ҳамроҳимиз деб билайлик!

Ўроқ САИД,
Қашқадарё вилояти У. Юсупов туманидаги 14-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти муаллими.

Ф. СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот» уюшмаси

АБОНЕМЕНТ рўзнома ойнома 64595
МАЪРИФАТ (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) Обуна сони

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи)
Кимга
(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п. в. жойи

64595
(нашр кўрсаткичи)

МАЪРИФАТ
(нашр номи)

Обунани яна манзилга юбориш	Баҳоси	Сўм	Обуна сони
	Баҳоси	Сўм	

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

Янгилаш даври, янгиланиш даври

НАЗОРАТ — ЖИДДИЙ ВА ИЖОДИЙ ИШ

ГАЗЕТА САВОЛЛАРИГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИҒИ РУСТАМ АҲЛИДДИНОВ ЖАВОБ БЕРАДИ.

— Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида халқ таълими бўйича фаолият кўрсатаётган республика давлат инспекцияси ўрнида янги тузилма — давлат таълим стандартлари бўйича республика инспекцияси ташкил этилди. Бунинг сабаблари нимада?

— Маълумки, республикамиз ҳаётида рўй бераётган мустақилликка эришиш, бозор муносабатларига ўтиш каби тарихий ўзгаришлар жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида ўзгаришлар қилишга сабаб бўлди. Чунончи, республиканинг кўпгина вазирлик ва идоралари тугатилди ёки концерн ҳамда ассоциацияларга айлантирилди. Бошқаларида эса қабул қилинган Қонунлар ва ҳаётнинг янги талабларига кўра Низомлар, тузилмалар ва иш мазмуни қайта кўриб чиқилди.

Бу ўз-ўзидан деярли барча кишиларга тааллуқли бўлган масалалар юзасидан чамбарчас боғлиқ республика халқ таълими вазирлигини ҳам четлаб ўтмади. Вазирликда замонавий таълим талабларига аниқ жавоб берувчи, унинг ривожланишига самарали таъсир этувчи ва такомиллаштирилишига ижобий йўл очувчи фаолиятнинг тегишли дастури белгиланиб, иш услуби ва йўналишлари қайта кўриб чиқилмоқда, бошқарув тузилмасининг мақбул кўринишларини жорий этиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, кейинги вақтда вазирлик бошқарувида янгича таълим муассасалари бўйича ишлаш, ижтимоий ривожланиш бўлимлари, ишлаб-чиқариш муносабатлари ва бозор тузилмалари бошқармаси ташкил этилиб, бошқа бошқарма ва бўлимларнинг Низомлари, шунингдек, бошқарувдаги ҳар бир ходимнинг амалий вазифалари қайта кўриб чиқилди. Ана шулар асосида халқ таълими бўйича Давлат инспекцияси ҳам тугатилиб, унинг ўрнига Давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси ташкил этилди. Бу қарор, энг аввало, вазирлик ва унинг тизимлари ҳамда жойлардаги муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунини амалга татбиқ этиш мақсадида қўйилган улкан вазифаларни бажарилиши билан боғлиқдир.

— Ўзбекистонда ҳали ягона таълим стандарти вужудга келмаган. Инспекция ўз фаолиятида қандай энг муҳим ҳужжатларга таянади?

— Бу ўринда, аввало, «таълимни стандартлаштириш» дегани нима ўзи, деган саволга жавоб бериб, унинг мазмунини ойдинлаштиришга тўғри келади.

Таълимни стандартлаштириш — бу таълим келажагини ривожлантириш, унинг асосларини белгилаш, таълимга оид истиқбол режаларини амалга ошириш бўйича фаолиятни яхшилаш йўлидаги қоидаларни қўллаш ва белгилаш жараёни. Таълимни стандартлаштириш таълим муассасалари ва ўзга ўқитувчилар, ўқувчилар фаолиятининг натижалари, таълим технологиялари, асосий хусусиятларига талабларни белгилаш учун қўлланилади.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Ўзбекистонда ҳали ягона таълим стандарти ишлаб чиқилмаганлиги сабабли республика инспекцияси фаолияти учун тегишли база йўқ, деган таъкидингизга ҳеч ким қўшилмайман.

Биринчидан, таълимни стандартлаш бўйича ишлар барча даражаларда доимий равишда олиб борилмоқда. Таълим мазмуни, ўқиш-ўқитиш фаолияти диагностикаси, билимни текшириш ва баҳолаш, таълим муассасаларининг аттестациясини ўтказишда энг қулай жараёнларни вужудга келтиришга интилиш бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади.

Иккинчидан, буларнинг барчаси илгари асосан Марказда, яъни Москвада қилинарди. Ўзбекистон мустақил, суверен давлат бўлганидан кейин, таълим соҳасида янги мақсад ва вазифалар туғилаётган ҳозирги даврда, юқоридаги муаммо ва масалаларнинг ҳаммасини ўзимиз амалга оширишимиз лозим. Эндиликда таълим аҳволи, унинг халқаро даражасидаги ўзаро нисбатини баҳолаш долзарб муаммолардан бири.

Аниқ стандартларнинг жорий этилиши, бир томондан, таълим натижаларини давлат томонидан назорат қилиш ва ана шу асосда уни ривожлантиришнинг бирон мақсадга йўналтирилган стратегиясини ишлаб чиқиш имконини беради. Иккинчи томондан, стандартларнинг мавжудлиги таълим муассасаларини ортиқча васийликдан озод этади ва таълим масалаларини ижодий ҳал қилиш учун қулай шароит яратади. Республикада бундай иш бошланди. Вазирлик томонидан республика ҳукуматига стандартлаштириш объекти талабларига, унинг аниқ ва ҳақиқий талаби даражасини аниқловчи, шунингдек, уларнинг таълим даражасига мувофиқ ютуқлари ва назоратини белгиловчи қатор Низомлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатлар лойиҳаси тақдим этилди.

Юқорида қайд қилинганидек, стандартлаштириш — бу жараён. Зеро, бу жараён турли режалар ва ишни ҳар томонлама амалга оширишни талаб этади.

Кўпчиликни «инспекция сўзи» қизиқтириши мумкин. Гарчанд фаолиятимизда бу муҳим ўрин тутса-да, лекин ишимиз фақат назоратдангина иборат эмас. Аниқроғи, вазирлик назорат қилувчи таълим қисмининг ривожланиш сиёсатини амалга оширишни белгиловчи экспертиза, таҳлил турли қамровдаги муаммоларни башорат қилиш, аниқлаш имконияти ҳамдир. Инспекциямиз ходимлари ҳам инспектор эмас, балки эксперт деб номланишади.

Инспекциянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг бажарилашини, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ўқув-тарбиявий муассасаларда Давлат таълими стандартлари ва нормативларига амал қилинишини, жойларда аттестация, аккредитация ва лицензиялаш тартибининг бажарилишини назорат қилиш;

— таълим тизимининг алоҳида бўлинмаларида экспертиза, диагностика ва ривожланиш истиқболларини белгилашда иштирок этиш, мазкур жараённи амалга ошириш учун белгиланган чоратадбирлар натижаларини баҳолаш;

— таълим соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда кўмаклашиш, таълим стратегиясини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

— замонавий шароитларда таълим мақсадларини ва унинг келажакда такомиллаштириш йўлини аниқлаш;

— таълим мазмунининг сон ва сифат хусусиятларини белгилаш;

— турли кўринишдаги таълим муассасаларини аттестация, аккредитация ва лицензиялашнинг асосий жиҳатларини ишлаб чиқиш;

— мустақил эксперт ва диагностик гуруҳлар ва бошқаларни ташкил этиш.

Инспекция ўз зиммасига юкланган масъулиятли ишларни ҳал этиш учун ташкилотлар, ўқув юртлари ва таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг, республика ҳукуматининг таълим масалалари бўйича қарорлари, вазирлик ҳайъати қарорлари ва бошқа шу каби ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, шунингдек, улар томонидан таълим стандартлари ва нормативларига амал қилинишини кўриб чиқиш ҳамда текшириш ҳуқуқига эга. Инспекция ходимлари вазирлик тасарруфидаги барча турдаги Давлат таълим муассасаларининг кенгаш ишларида, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари ҳайъати ишларида иштирок этишлари, вазирлик тасарруфидаги муассаса ва ташкилотлар, маҳаллий бошқарув органлари, таълим муассасалари ишини ўрганишлари, уларнинг раҳбарларидан ўз хизмат вазифаларини бажариш учун керакли ҳужжат ва материалларни талаб қилиш, шунингдек, белгиланган тартибда ўз ҳуқуқ доирасидаги масалаларни кўриб чиқиш учун уларни таклиф қилиш ва ҳисоботларини эшитишлари мумкин.

Бундан ташқари, инспекция ходимлари курс, диплом ишларини ҳимоя қилиш, кириш, семестр, жорий ва давлат имтиҳонларида ҳамда тестлар ўтказишда иштирок этиш, барча турдаги назорий ва амалий машғулотларни кириб кўриш ва ўқувчиларнинг билимини, ўқитувчи, таълим бошқарув органлари ва муассасалари ходимларининг малакасини белгиловчи ёзма ва бошқа турдаги назорат ишларини ўтказиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Инспекция амалдаги қонунчиликка ва Халқ таълими вазирлиги норматив ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган маҳаллий бошқарув органлари ҳамда таълим муассасалари томонидан чиқарилган, қарор, фармойиш, йўриқномалар, бошқа ҳужжатларнинг ҳаракатини тўхтатиш, уларни бекор қилишни белгиланган тартибда талаб қилишга ҳақли. Биз таълим муассасалари ва халқ таълими бошқарув органлари учун методик, таҳлилий, диагностик ҳамда шунга ўхшаш материаллар тўпламини кўпайтириш ва нашр этишни ташкил этиб, амалдаги қонунчилик ҳамда ҳуқуқимиз доирасида иқтисодий фаолиятни амалга оширамиз.

— Инспекция фаолиятининг бундай таърифи, унинг иши бирмунча кенг қамровли эканлигини билдиради. Ўйлайманки, инспекциянинг тузилмаси ва штат сони белгиланган бўлса керак. Унда қандай бўлимлар бор?

— Тўғри, зиммамиздаги вазифаларнинг амалга оширилиши эса ишни кадрларни топиш, уларни лаёқатига қараб жойлаштиришни тўғри ташкил қилиш, улардан белгиланган фаолият учун жавобгарликни талаб қилинишига боғлиқ.

Инспекциянинг штат бўйича сони 26 киши, улар тўртта бўлимда, яъни эксперт-педагогик, мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим экспертизаси, педагогик ва ҳунар-техника таълими экспертизаси, таълим муассасаларини аттестация, аккредитация ҳамда лицензиялаш бўлимларида фаолият кўрсатадилар.

Ҳозирги вақтда республика инспекциясининг шаклланиш даври ўтмоқда. Бўлимларнинг Низомига кўра, улар олдига қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тегишли қадрларни танлашга ҳаракат қиляпмиз. Бунда биз республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг республика Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида айтилган қуйидаги сўзларига амал қиляпмиз: «...Кадрлар танлашда — ватанпарварлик, халқпарварлик туйғуси бугун жуда катта аҳамиятга эгадир». Ҳозирча биз штатнинг деярли ярмини тўлдирдик.

— Рустам Шеронович, Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган Низомда белгиланган вазифаларни инспекция тўлалигича уддалашига аминмисиз? Ёки керакли вақтларда жойлардан штатсиз фаоллар жалб қилинадими? Бу қандай тартибда ўтади?

— Муваққат Низомга кўра, республика инспекциясига ўз ҳуқуқи доирасидаги масалаларни жойларда ўрганиш учун белгиланган тартибда вазирлик тасарруфидаги муассасалар, ташкилотлар, ўқув муассасалари ходимларини жалб қилган ҳолда жамоа комиссия, ишчи гуруҳларини тузиш ҳуқуқи берилган. Биз ҳеч муболағасиз халқ таълими маҳаллий бошқарув органлари, вазирлик тасарруфидаги муассасалар ва ташкилотлар, ўқув-тарбиявий муассасалари ходимлари таркибидан тузилган ва жамоатчилик асосида ишловчи штатсиз фаоллар гуруҳи, шунингдек, ҳар хил турдаги фаолият, маълум ўқув-илмий усулият натижаларини, шу билан бирга инспекциянинг таълим соҳасидаги муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ бошқа ишларни баҳоловчи ва таҳлил қилувчи муваққат ижодий жамоалар, гуруҳлар тузамиз ва бу ишлар учун олимларни жалб қиламиз.

Юқорида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш учун жалб қилинаётган экспертларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини белгиловчи, молиявий масалаларни ҳал қилувчи «Давлат таълим стандартлари бўйича республика инспекцияси заҳирасини жамлаш тўғрисида»ги вазирлик буйруғининг лойиҳаси устидаги ишни яқиндагина тугатдик.

— Яна бир бор инспекция тўғрисидаги Низомга эътиборни қаратмоқчиман. Унда «ёрдам кўрсатади», «ташкил қилишга кўмаклашади» каби сўзларни кўплаб учратиш мумкин. Булар инспекциянинг аслидаги ишига монандми? Агар шундай бўлса, у ҳолда инспекция Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бошқаруви ва Ўқув-методик марказининг фаолиятини такрорламайдими?

— Ҳақиқатан ҳам, кўпчилик бошқарув ташкилотлари ўз фаолиятларини фақат назорат ва текширувда деб билишади. Тўғри, бу сўзсиз керак. Лекин таълим муассасалари маъмуриятлари асосий эътиборларини таълимни ривожлантириш муаммоларига қаратишлари керак. Даставвал таълимдаги бош шахс — ўқитувчи (тарбиячи, уста, тўгарак раҳбари ва бошқалар)нинг ўз тарбияланувчиларига сифатли таълим бериш, уларни жисмоний ва ақлан соғлом қилиб тарбиялаш муаммосини кўтариш ҳамда ҳал қилишдир. Кечирасиз-у, бу текширув ўтказишдан бирмунча мушкулроқ, такрор айтаманки, бу бир томондан фойдали ҳам. Ахир шунинг учун халқ таълими бошқармаси номланмиш тизим мавжуд.

Шу ўринда таъкидлашим керакки, биринчидан, инспекция бошқарма ва бўлимларни назорат олиб бориш вазифаларидан озод этиб, уларга юқорида мен айтиб ўтган муаммо билан шуғулланиш имконини яратиши керак.

Иккинчидан, агар республика инспекцияси ўзининг янги Низомига қарамақарши иш юритиб, фаолияти фақат инспекциялашдан иборат бўлса, у ҳолда олдига қўйилган мақсадларга эриша олмайди.

Янги инспекция олдига, илгаригисидан кўра кўпроқ вазифалар қўйилган. Низомимизга бир назар солинг-а.

Республика инспекцияси:

— Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги барча турдаги таълим муассасаларида уларнинг асосий фаолиятлари масаласи бўйича текширув ўтказишни ташкил этади ва амалга ошириши ҳамда улар томонидан давлат таълим стандарти ва нормативларига амал қилинишини талаб этади, шу фаолиятни баҳолайди;

— Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ўқув-тарбия муассасаларида тизимнинг тегишли йўналишларини кенг кўламда ривожлантириш ва таълим жараёнининг истиқболини такомиллаштиришда халқ таълими маҳаллий бошқарув органларининг роли ва таъсирини белгилайди ҳамда таҳлил қилади. Мазкур ишда уларга ташкилий ёрдам кўрсатади;

— аналитик таҳлил ва текширув фаолияти натижаларига кўра халқ таълими бошқарув органлари ва муассасаларига тегишли фармойиш беради ҳамда жойларда камчиликларни тугатиш ва уларнинг истиқбол ишларини такомиллаштириш бўйича имкон қадар ёрдам кўрсатади;

— халқ таълими туман, шаҳар бўлимлари, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги инспектор-методистлари малакасини оширишни ташкил этишда кўмаклашади;

— ҳудудий даражада таълимни ривожлантириш бўйича вилоят, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикасининг бошқарув органлари ва мазкур йўналишдаги бошқа тузилмалар аҳволининг экспертизасини ўтказиб, социологик ва бошқа изланишларни ташкил этади, ўқувчилар ва талабаларнинг билимини, болаларнинг тарбияланиш савияларини таҳлил қилади, аналитик шарҳлар, прогнозлар тузади, ижобий иш тажрибаларини оммалаштиради, вақти-вақти билан ва ўқув йили якуни бўйича Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти кўриб чиқиши учун тегишли таклифларни ишлаб чиқиб, тақдим этади;

— давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларини лицензиялаш ва аккредитация масалаларини ҳал қилиш учун экспертиза ўтказиб, республика комиссиясига хулосаларини тақдим этади;

— республика тасарруфидаги давлат ва давлат тасарруфида бўлмаган муассасалар ҳамда барча турдаги янги таълим даргоҳларида аттестация ўтказади;

— давлат таълим муассасаларида аттестация ўтказиш тартибига жойларда амал қилишнинг сайланма назоратини амалга оширади ва бошқалар.

Кўриб турибсизки, иш жиддий, ижодий, шунингдек, жуда қизиқарлидир...

Суҳбатдош А. ДОЛИМОВ.

БУЮК МУҲАДДИС

Ўзбекистоннинг мустақиллиги, юртимизнинг кун сайин ёсойишталиги боис қадриятларимиз қайтадан тикланиб, халқимиз маънавиятида ҳам катта ўзгаришлар рўй бераётир. Чунончи, Ислом дини ривожи, унинг кўзга кўринган алломалари хотирасини абадийлаштириш борасида қилинаётган ишлар халқимизнинг ўзлигига қайтиши, бой тарихий меросимизни ўрганишга кенг имкониятлар яратилаётганлигидан далолатдир.

Самарқанд шаҳри яқинидаги Ҳартанг қишлоғида «Имом Бухорий ҳаёти ва даври» мавзуидаги халқаро конференция ўз ишини якунлади. Унда дунёнинг деярли барча қитъаларидан, чунончи, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Россия Федерацияси, Ҳиндистон, Миср, Саудия Арабистони, Малайзия, Катар, Бруней каби давлатларидан исломшунос олимлар, уламолар иштирок этдилар.

Маълумки, Имом Бухорийдан бой ва қимматли илмий мерос — йигирмадан ортиқ муҳим асарлар қолган. Улардан «Ал-жоми ас-саҳиҳ», «Ал-адаб ал-муфрад», «Ат-таърих ас-сағийр», «Ат-таърих ал-авсат», «Ат-таърих ал-кабийр», «Китоб ал-илал», «Барр ул-волидайн», «Асоми ус-саҳоба», «Китоб ал-куна» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Имом Бухорий ҳазратларининг биз авлодларга қолдирган бебаҳо илмий мерослари орасида «Ал-жоми ас-саҳиҳ» китоби, айниқса, муҳимдир.

«АЛ-ЖОМИ АС-САҲИҲ» КИТОБИДАН ОДОБ-АХЛОҚ ХУСУСИДА

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Бир одам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, менинг яхши муомала қилмоғимга ким ҳақлироқдир?» — деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: «Онанг!» — деб айтдилар. У: «Яна ким?» — деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ «Онанг!» — дедилар. У: Яна ким?» — деди Жаноб Расулуллоҳ: «Онанг!» — дедилар. У: «Яна ким?» — деб сўради. Расулуллоҳ (бу сафар): «Отанг!» — деб жавоб қилдилар.

Абдуллоҳ ибн Амир ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одам қиладирган гуноҳи азимлардан бири — ота-онасини ҳақорат қилмоқдир!» — дедилар. Шунда: «Ё Расулуллоҳ, одам ўз ота-онасини қандай қилиб ҳақорат- қилмоғи мумкин?!» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Бировнинг ота-онасини сўккан одам ўз ота-онасини ҳақорат қилган бўлур», — деб жавоб қилдилар».

Муғийра ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ таоло сизларга оналарингизга оқлиқ қилмоқни ҳаром қилиб, мумсиқ бўлмоқни ҳамда гўдак қизларни тириклайин ерга кўммоқни (исломдан, аввал, шундай одат бўлган) манъ қилди, шунингдек, миш-миш гаплар тарқатмоқ, кўп савол бермоқ ва мол-дунёни беҳуда сарф қилмоқни макруҳ қилди», — дедилар.

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу-алайҳи ва саллам: «Кимки ризқим улуғ, умрим узоқ бўлсин деса, қариндошуруғларига меҳр-оқибатли бўлсин!» — дедилар».

ЕТИМ БОҚҚАН ОДАМНИНГ ФАЗИЛАТИ

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен ва етимнинг кафилини олган одам иккимиз жаннатда ёнма-ён яшаймиз», — деб кўрсаткич ва ўрта бармоқларини жуфт қилиб кўрсатдилар».

(ЎзА ҳамда газеталар материаллари асосида тайёрланди).

ҚУТЛУҒ ЗИЁРАТГОҲ

лари ва талабаларидан иборат зиёратчилар бир замонлар бепоён дашт ўртасида қад кўтарган улуғвор бино, заррин кошинларни бемисл ҳайрат билан кузатардик.

Дарҳақиқат, гўё бир сеҳру синоат рўй бергану Самарқанднинг бир қисми бу ерда бино бўлгандек. Муаррихлар ёзишича, Амир Темур қурилишга шахсан бошчилик қилган. Чодир қуриб, тикланаётган мақбара қошида бир неча вақт яшаган. Аҳмад Яссавий яшаб ўтган вақт билан Амир Темур замонаси орасида салкам 300 йил бор. Воажаб, Аҳмад Яссавийдек зотнинг буюклик қадрини англаш учун Амир Темур бўлиш керак, ўшандай буюк зот бўлиш керак, шекилли? Буюкларни буюклар англайдилар. Шунда қадимий обидай ҳайратангиз иморат икки буюк бобокалонимизга ўрнатилган ёдгорлик эканини аниқ ҳис этдик. Аҳмад Яссавийга кўрсатган буюк эҳтиромига қараб Темурни батамом қайта баҳолаш, улуғ жаҳонгир руҳий оламига теранроқ назар ташлаш мумкин. Амир Темур Аҳмад Яссавий кўзгусида бошқачароқ кўриниши аниқ. Бинонинг ўнг биқинига ёпиштирилган учбурчак ғиштин тирговчиларни кўрдик. Асли туркистонлик, 3 курс талабаси Моҳидил Баҳди, ғиштин қилиб ишланган ростмана уй) сақланган. «Ҳикматлар»дан сатрлар ёдга келади:

Олтмиш учда нидо қилди,
қул ерга кир,
Ҳар жонинг мен,
жонининг мен,
жонингни бер,
Ҳу шамширин қўлга олиб,
нафсингни қир,
Биру борим, дийдорингни
кўрарманму!

Ровийлар айтишича, у зот ертўлада яна шунча йил умр кечирганлар.

Чор-атрофга боқамиз. Якка-дуккам қовжираган ўт-ўлан, саҳронинг доимий ҳамроҳи янтоқлар...

Қани энди улуғ бобомиз мақбараси теваракдаги боғ-роғ, кўкаламзор қилиб қўйилса...

Бу сафаримизга кўп бўлди. Аниқроғи, талабалар ёзги таътилга тайёрланаётган баҳорнинг сўнгги кунлари эди.

— Мустақил жумҳуриятимиз келажагини ёшларсиз тасаввур қилиш қийин, — деган эди ўшанда институт ректори Комил Юсупов. — Улар ҳар жиҳатдан ишнинг кўзини билишсин, тадбиркорликлари билан иқтисодий мустақиллигимизга ҳисса қўшишсин. Ўқиш давомида қадриятларимиз, тарихимизга муносабатни яхшилаб, дилларига сингдириб боришсин. Шунинг учун ҳам бу сафаримиз ижодкорликка, қизиқишнос олимлар, ижодкорлар, Аҳмад Яссавийнинг хорижда истиқомат қилаётган авлодлари ҳам ташриф буюришади.

Туркистон... Ҳазрат Аҳмад Яссавий мақбараси. Одамни кундалик майда ташвишлардан фориғ қилиб олий нарсага юкинмоқ истагини қондирадиган даргоҳ. Бу буюк қабр, мўътабар мақбара улуғ хилқат томон бориладиган йўлакдек туюлар балки бани одамга? Биз, меҳмонлар, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти мураббийромова, «генерал Черняев тирговичлари», дея изоҳлади. Генерал Черняев тўп отиб бинога шикаст етказгач, оқ подшога хат ёзади, бинони бузиб қўйдим деб. Петербургдан жавоб келади, бўлар иш бўлибди, энди тузат деб. Шу тариқа тирговчилар пайдо бўлади...

Мақбаранинг шундоқ яқинида Ҳазрат Султон (оддий халқ у кишини шундай улуғларкан) пайғамбар ёшларидан кейин ер қаърига кириб кетган ертўла (ҳозир уни том маънода ертўла деб бўлмайқувчанлик ва интилувчанликка бўладиган саёҳатдир. Туркистон зиёратига аълочи ва жамоатчи талабаларни олиб бораяпмиз.

Шундан буён кўп ўйлайман: бу дунё неъматларидан кўнгил тийиб, Оллоҳ ишқи билан ёнган улуғ зот мақбарасини зиёрат этиш ҳар бир зиёратчи учун руҳан покланиш, маънавий жиҳатдан яна бир поғона юксалиш билан баробардир. Кўнгилга қониллик нурларини таратади бу даргоҳ!

У. АБДУҒАФФОРОВА.

ҚУТЛАЙМИЗ!



Ёзувчи ва публицист Ғаффор Хотамов «Туркистон» газетасининг бош муҳаррири этиб тайинланди.

Ғаффор Хотамов меҳнат фаолиятини «Ленин учқуни» газетаси таҳририятида бошлаган. «Тошкент оқшоми», «Совет Ўзбекистони» газеталари таҳририятларида ишлаган.

1986 йилдан «Ёшлик» журнали бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари, 1992 йил апрелидан эса бош муҳаррир бўлган. У қисса, ҳикоя ҳамда публицистик мақолалардан иборат бир қатор китоблар муаллифи.

Ҳамкасбимизнинг ижодий ва муҳаррирлик фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз!

Миллий мустақилликни қўлга киритган юртимиз тақдирида буюк ўзгаришлар юз бермоқда. Эндиликда республикамиз жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини эгаллаган бўлса, булоқларимиздан сув ичган буюк кишилар таваллуди жаҳон миқёсида ҳам тантана қилинмоқда.

1993 йил — Хўжа Аҳмад Яссавий йили деб эълон қилингани ҳам шундан далолатдир. Кечагина адабиёт дарсликларида «Реакцион феодал-клерикал гуруҳларнинг дунёқарашини ифода этган, ислом динини, бадбинлик ва таркидунёчиликни тарғиб қилган, меҳнаткаш халқ оммасини муҳтожликка ва ҳуқуқсизликка кўникишга, эксплуататорларга қулдек тобе бўлишга чақирган энг реакцион тариқатнинг асосчиси» деб номи тилга олинган Аҳмад Яссавий оламаро, одамлараро эъзозланмоқда. У ҳозирги Жанубий Қозоғистоннинг Сайрам қишлоғида таваллуд топган. Ўз туғилган ерини «ул муборак Туркистондан» деб тилга олган улуғ Яссавий юрти эндиликда азиз қадамжога айланган. Бугунги кунда ана шу муқаддас юртда буюк бобомиз Аҳмад Яссавийни хотирлаб турли тадбирлар ўтказилиб турибди.

Шу йил 30 октябрда Тошкентдаги «Туркистон» саройида иш бошлайдиган халқаро илмий-маърифий анжуман «Абадий қадриятлар ва Аҳмад Яссавий» деб номланган. Бу анжуманда қатор мамлакатлар ва нуфузли ташкилотлардан вакиллар, исломшунос олимлар, ижодкорлар, Аҳмад Яссавийнинг хорижда истиқомат қилаётган авлодлари ҳам ташриф буюришади.

Туркистон... Ҳазрат Аҳмад Яссавий мақбараси. Одамни кундалик майда ташвишлардан фориғ қилиб олий нарсага юкинмоқ истагини қондирадиган даргоҳ. Бу буюк қабр, мўътабар мақбара улуғ хилқат томон бориладиган йўлакдек туюлар балки бани одамга? Биз, меҳмонлар, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти мураббийромова, «генерал Черняев тирговичлари», дея изоҳлади. Генерал Черняев тўп отиб бинога шикаст етказгач, оқ подшога хат ёзади, бинони бузиб қўйдим деб. Петербургдан жавоб келади, бўлар иш бўлибди, энди тузат деб. Шу тариқа тирговчилар пайдо бўлади...

Мақбаранинг шундоқ яқинида Ҳазрат Султон (оддий халқ у кишини шундай улуғларкан) пайғамбар ёшларидан кейин ер қаърига кириб кетган ертўла (ҳозир уни том маънода ертўла деб бўлмайқувчанлик ва интилувчанликка бўладиган саёҳатдир. Туркистон зиёратига аълочи ва жамоатчи талабаларни олиб бораяпмиз.

Шундан буён кўп ўйлайман: бу дунё неъматларидан кўнгил тийиб, Оллоҳ ишқи билан ёнган улуғ зот мақбарасини зиёрат этиш ҳар бир зиёратчи учун руҳан покланиш, маънавий жиҳатдан яна бир поғона юксалиш билан баробардир. Кўнгилга қониллик нурларини таратади бу даргоҳ!

У. АБДУҒАФФОРОВА.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпелини босиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Рўзнома ва ойномага обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштиришганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан, шунингдек «Матбуот уюшмаси» жадвалидаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Манзилгоҳ ўзгартирилганида, ойларнинг катакларини ва «ПВ—ЖОЙИ» катакларини алоқа бўлими ва «Матбуот уюшмаси» ишчилари тўлдиришади.

Б-715—15.000.000—91 г.

СУЛТОН АКБАРИЙ 70 ЁШДА

ОДАМИЙЛИК

Умрни оқар дарёга ўхшатишади. Кўп йиллар жамоамизда бирга хизмат қилган иқтидорли шоир, зукко публицист Султон Акбарийнинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан икки оғиз илиқ сўз айтиш эҳтиёжи туғилди. Султон ака гўё яқиндагина таҳририятимизга муҳаррир ўринбосари бўлиб ишга келгандай. Шунга ҳам йигирма беш йил тўлибди.

У кишининг «Ёш ленинчи», «Совет Ўзбекистони» газеталарида масъул котиб лавозимларида ишлагани, ҳозиржавоб журналист сифатида кўпчиликни ҳайратда қолдирганини эшитгандим. Султон ака жамоамизга ишга келгач, ўзининг меҳнатсеварлиги билан газетанинг янада ўқимишли бўлишида сезиларли таъсир кўрсатди. Унинг ишчанлигига ҳавасимиз келарди. Иккиуч соат ичида бир кунлик ишни бажариб қўяр, таҳририятда тенги йўқ эди. Айниқса, газетанинг бадиий безатилишига алоҳида эътибор берар, янги-янги рукнларни кўтариб чиқишга, жонли оқимларни амалга жорий қилишга ундарди. Орадан кўп ўтмай газетамиз Ўрта Осиё ва Қозоғистон тармоқ нашрлари ўртасидаги бадиий безатилиш бўйича танловларда совринли ўринларни эгаллади. Шу ўринда Султон аканинг алоҳида хизматларини яна бир бор эсга олмоқ лозимдир.

Султон Акбарий таҳририятимизда ўн беш йилдан ортиқрок ишлаб, шу даргоҳдан ҳақли дам олишга чиқди. У жамоамиздаги кўплаб ёш қаламкашларга устозлик қилди. Султон ака одамшаванда, камтарин, ходимларга хушмуомала раҳбар сифатида ҳам ҳурмат-эътибор қозонди. У жамоа аҳлининг ҳамиша оғиру енгилида бирга бўлиши, ҳамдард ва ҳамкорлиги билан ажралиб турарди.

Бирга меҳнат қилган киши ҳақидаги ҳар бир илиқ сўз юрагингни ифтиҳор туйғуларига тўлдиради. Султон аканинг 60 йиллик юбилей кечасида унинг шаънига жуда кўп самимий мақтов сўзлар айтилди. Ана шу шодиёна кечада Эркин Воҳидовнинг «Султон Акбарий шеърини унинг имзосини ўқимасданоқ айтиб беришим мумкин» деган сўзлари кечагидай ёдимда. Шоирга бундан ортиқ баҳо бўлиши мумкинми!

Етмишинчи йилларда Султон аканинг «Одамлар бор» шеъри машҳур бўлиб кетди, давраларда, тўйларда жаранглади. Мен таҳририятимизга Султон Акбарийнинг ана шу шеъридан бир нусха кўчиртириб беришни илтимос қилиб келган кўплаб кишиларни учратганман. Бу шеър ҳамон одамларга завқ-шавқ бағишлаб жаранглямоқда.

Жамоамиздаги тўйларга файз киритган Султон аканинг хонадонида кўп тўйларда иштирок этиб, унинг шодликларига шерик бўлганмиз. Мана бугун республика жамоатчилиги иқтидорли санъаткорнинг муборак етмиш ёшга тўлган кунни нишонламоқда. Бу шодиёна кўп йил елкадош бўлиб меҳнат қилган жамоамизнинг ҳам хурсандчилик кунидир. Таҳририятимиз қаламкашлари севимли устозимиз Султон Акбарийни етмиш ёши билан қутлаб, у кишига ҳамиша янги ижодий ютуқлар, сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаб қолади.

Ғафур МАННОПОВ,
«Маърифат» газетаси бўлим мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Равшан фикрлаган равшан баён этади, дейишади. Султон Акбарийнинг китобларини варақласангиз юқоридаги фикрларнинг ёрқин тимсолини кўрасиз.

1923 йил Тошкентда туғилган С. Акбарий ижодини муҳбирликдан бошлади. Калинин туманининг «Колхоз турмуши» газетасида, сўнгра «Ёш ленинчи», «Ленин учқуни», «Янги ҳаёт», «Хоразм ҳақиқати» ва «Ўқитувчилар газетаси» каби вақтли нашрларда ишлаш билан бирга ўндан ортиқ китоблар, достон ва балладаларни ўқувчиларга армуғон этди. Унинг «Мирзачўл дафтари», «Гирдоб», «Тавба», «Авлодлар достони», «Чорак аср», «Чўл», «Оқ ювиб, оқ тараган» каби асарлари ўқувчиларга яқиндан таниш бўлиб, адабиётимиз ривожига ўзига хос улуш қўшди. Шунингдек, ижодкорнинг мавзуси ранг-баранг бўлиб, уларда даврнинг ўзига хос қиёфаси муҳрлангани табиийдир.

Чунончи, шоирнинг «Авлодлар достони» асарида инқилобдан сўнгги фожиали ҳаёт манзаралари тасвирланса, «Одамнинг изи» достонида севги-муҳаббат ва меҳнатга муносабат масаласи биринчи ўринга чиқади. Инсоннинг яратувчанлик фаолияти севги ва меҳнатнинг уйғунлигида намоён бўлади, деган қараш достоннинг ғоясини ташкил этади. Унинг «Ёнаётган нилуфар» асари алоҳида эътиборга молик. Унда эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги азалий кураш ўзига хос тарзда ифода этилган. Бу асар уруш оловини ёқувчиларга қарши шоирнинг исёнидир. Нилуфар — гўзаллик, ҳаёт рамзи. Шунинг учун катта поэтик маҳорат билан яратилган достонда лирик қаҳрамон орқали шоирнинг руҳий олами ўз мураккабликлари ва изтироблари билан очиб берилади.

Динамитдай портлар қон,
Шовуллаб тўкилар юлдузлар,
Жангчи суягидай
очилиб ётар,
Осколка теккан илдизлар...
Яна бир манзара:
Инсон,
Ўйиб олинган
гўзалликни ҳам,
Ерга ташламасдан,
ипакка ўра...
Ёки
Асаблар таранг пўлат,
Ёрилиб кетай дер
кулранг асаблар.
Қонларимда сачраб
ғазаб изотоплари,
Мушт бўлиб тугилар
ғазаблар.

ҚАЛБГА ЙЎЛ

Достондаги ўқ оловларининг «юлдуздай шовуллаб тўкилиши» ҳам, осколка теккан илдизларнинг «жангчи суягидай очилиб ётиши» ҳам, ўйиб олинган кўзнинг «гўзаллик» дея аталиши ёки «кулранг асаблар», «мушт бўлиб тугилар ғазаблар»... шунчаки безак учун айтилган иборалар эмас. Балки ижодкор иқтидори яратган бадиий топилмалардир.

Султон Акбарий шеърияти хусусида гап кетганда, энг, аввало, соддалик ва самимийлик ҳақида фикрлаш лозим.

Кириб келди элликка шоир,
Кўп қайғурди дунёга доир,
Лек наздида норасидадир.
Ҳануз узун аризаларда,
Тантанали маърузаларда,
«Ва бошқалар» орасидадир...

Бир мақолада шоир ижодининг барча жиҳатлари хусусида сўз юритиш қийин, албатта. Аммо шуни таъкидлаш керакки, Султон Акбарий шеърияти Ватанга муҳаббат, дўстлик, урушга нафрат руҳи билан суғорилгандир.

Ватан, ишончим маҳкам,
Мисраларим бадастур.
Қариб-чириганда ҳам,
Мадҳинг қилмоқ ҳавасдир.

деб ёзади у бир шеърида.

Уруш мавзусида ёзган шеърларида баландпарвоз нидолар, чақириқлар эмас, балки уруш қолдирган жароҳату асоратлар ўз фожиалари билан кўз олдингизда намоён бўлади.

Эскиса-да хотирам,
Яширмайман ҳеч кимдан,
Йиғиб олса, юз грамм,
Темир чиқар ичимдан.

Урушнинг даҳшатли кунларини бошидан кечирган шоир «Расман тугаган уруш, менга тугаган эмас», деб ҳақли ёзар экан, «Шукрона» деган шеърида шундай дейди:

Мен яшадим, яхши яшадим,
Бир умрни элаб ташладим.
Бир умрки, оний янгилик,
Балки шунинг ўзи мангулик...

Бугунги кунда 70 йиллик тўйи тантана қилинаётган заҳматкаш ижодкорга соғлиқ-саломатлик, бардамлик, қайнок ижод илҳоми тилар эканмиз, «Мени ким англаган, ким англамаган, лекин юрагимда куй зангламаган» деган сатрларини қайта-қайта такрорлаймиз ва ҳақиқатан ҳам юрагидаги қўр куй бўлиб, қўшиқ бўлиб қалбларга йўл топаберсин, деймиз!

Қурдош ҚАҲРАМОН,
филология фанлари номзоди, доцент.

ҚУВОНЧ МАСКАНИ БЎЛСИН

Биз ишда бўламиз. Болаларимиз уззукун боғчада. Улар кунни қандай ўтказганини билмаймиз. Кечқурун боғчадан фарзандимизни олар эканмиз, унинг қувонч учқунлари сачраб турган кўзларига қараб дилимиз таскин топади. Демак фарзандимиз кунни боғчада серзавқ ўтказибди.

Боғчасида оромини топган болакай уйига кетгиси келмай, онасини узоқ кутдиради. Меҳрибон боғча опасидан, жонажон дўстларидан кўнгил узолмай тайсалланиб туради. Эрталаб эса жонидили билан қадрдон масканга интилади. Чунки унинг учун бу жой кўнгилли. Боғчада жажжи инсоннинг бахтиёр болалиги кечади...

Бордию, боғчалар компьютерлаштирилган бўлса, билингки, болажон боғчасига янада боғланади-қолади.

Бунинг устига келгусимиз вориси бўлмиш кичкинтойлар ҳар томонлама мукаммал бўлиб улғайиши, техника сир-синоатини яхши билган, замонга мос кишилар бўлиб етишишлари лозим. Шуларни ҳис этган пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур туманидаги 607-боғча жамоаси яқинда яна бир хайрли ишга қўл урди. Улар кичкинтойлар масканида энг замонавий услубдаги компьютер хонаси ташкил қилишди. Болажонлар эса бу компьютерларни катта қизиқиш билан ўрганяптилар.

Шу муносабат билан республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Йўлдошев ва бир гуруҳ мутахассислар боғчада йиғилдилар. Компьютерлар кўздан кечирилгач, давра суҳбати ўтказилди. Унда тажрибани пухта ўрганиш, агар натижа ижобий бўлса, уни кенг ёйиш тўғрисида фикрлар билдирилди.

— Ишни, аввало, режа асосида дастур тузишдан бошлаш лозим. Эҳтимол, ҳамдўстлик давлатларидан тайёр дастурлар олиш мумкиндир, деган гаплар айтилди. Бу борада мутахассисларга муҳим топшириқлар ва вазифалар юклатилди.

— Болалар боғчаларини компьютерлаштириш назаримда яхши самара беради. Аммо уни бошлашда хатога йўл қўймаслигимиз болалар соғлиғига путур етказмайдиган муҳим жиҳатларини аниқлашимиз, бунинг учун биринчи галда тиббиёт ходимларини ишга жалб этишимиз, ҳар ойда болаларнинг соғлиғини назорат қилишимиз даркор. Натижа кўнгилдагидек бўлсагина, янгиликни кенг ёйсак бўлади, — деди вазир.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

Султон АКБАРИЙ.

ОЛТИН СЎЗИМ

Фалак аврўғига ёзсам,
Дарахт япроғига ёзсам,
Жонон тароғига ёзсам,
Тарих бармоғига ёзсам,
Олтин сўзим ўчмасмикин!

Адо қилди ҳазон ёзни,
Учирвордим қўлдан ғозни,
Тунларда тирнасам созни,
Дараларга айтсам розни,
Битиклардан кўчмасмикин!

Рост гапирдим чала яшаб,
Бир қўшоқда гала яшаб,
Чўпчак териб, ҳала яшаб,
Ҳам далама-дала яшаб,
Ёр бўйнимдан қучмасмикин!

Тек гардуни дун бор,
кун йўқ,
Қоронғида тун бор,
кун йўқ,
Донишларга хун бор,
кун йўқ,
Манглайида жун бор,
кун йўқ,
Кулим кўкка учмасмикин!

Олтин сўзим ўчмасмикин!

ЯССАВИЙЧА

Каж дунёга кеч келиб,
Бир кўриб кетдим мано.
Кунгурасида бирпас,
Ўлтуриб кетдим мано.
Ишлари эркан ғалат,
Қарс уриб кетдим мано.
Жойни бўшат, қул, деди,
Тез уриб кетдим мано.
Бугдойликдан ғалламни,
Хом ўриб кетдим мано.
Пахтали чигит растасин,
Ғир қуриб кетдим мано.
Адам саҳросина бўз —
От суриб кетдим мано.
Хайр эса барлос туғи,
Телмуриб кетдим мано.
Қул Хожа Аҳмад ила,
Юз буриб кетдим мано.

ЮРАК УЙҒОҚ

Юрак уйғоқ,
Хаёллар тўзғоқ.
Юрак ўйноқ,
Гўё мен бўздоқ.

Ҳилол уйғоқ,
Юлдузлар музлоқ.
Босдими мудроқ,
Карвонлар узоқ.

ИЖОДКОР БАХТИ

Яхшилик қилишга ўрганган одам дарёга ўхшайди. У юрган йўлларда гуллар, чечакларнинг ифори бор. Кулган кўзларнинг, хушрўй чеҳраларнинг самимияти бор. Аслида бу ифорларни, бу хушрўйликлару самимиятни ўша одам ўзи билан олиб борган. Яхшилик қилиши билан яхши эканлигини намойиш қила туриб, кўзидан, сўзидан, қилган ишлари билан улашган.

Султон Акбарийнинг номи муштарийларимиз учун қадрдон. Гарчанд, бугун қариликнинг гашти билан ижод фароғатини туйиб юрган бўлсалар-да, ҳамиша номи ўқувчилари тилидан тушмайди, асарлари интизорликда кутилади. Қачонлардир келганлари, ҳамсуҳбат бўлганлари, у кишини ҳалол, софдил, бировнинг оғирини енгил қилишга ҳамиша шай бўлганларини таъкидлашади. Шунинг ўзи умри ҳамиша меҳнат билан ўтадиган, мухбир учун катта мукофот эмасми? Шунинг ўзи ўзи юрган йўлларда из қолдиргани, қадр топгани, қимматдон дўстга айлангани эмасми?!

Қоғоз гулга булбул қўнмайди, дейишади. Султон Акбарий фақат қоғозлардагина қоладиган мақола ва шеърлар ёзмабди. Бўлмасам, Тошкент давлат педагогика институтининг катта кутубхонаси мухлислари билан шунчалик тирбанд бўлармиди? Шунчалик файз тушармиди, унинг шеърлари ўқилган, ижоди баҳоланган ушбу анжуманга. Институт ректори, профессор Комил Юсупов зукколик билан шоир ижоди ва иқтидорини баён этиб борар экан, алоҳида таъкидлаб шундай деди: «Султон Акбарий ҳам ўнлаб ардоқли ижодкорларимиз каби бизнинг институт талабаси бўлган. Шунинг учун бўлса керак, ҳамиша биз билан ҳамнафас, ҳамқадам. Шоирнинг етмиш йиллик тантаналари ҳали кўп жойларда давом этади. Аммо бу тантаналарнинг индаллоси — бизнинг институтда ўтаяпти. Демак, бу ҳам бир орзумандлик, ҳавасмандликни билдиради. Зора, ҳозирги талабаларимизнинг ҳам вақти келиб шоён тантаналари фахр ва ифтихор билан бизларда ўтказилса!..»

Адабиёт ҳам бамисоли бир иморат. Унинг ғиштларини турли ва турфа феъллиижодкорлар қўяди. Ўз изланиш ва интилишлари билан бу бинони таъмирлайдилар. Узоқ ва мустаҳкам яшаши учун хизмат қиладилар. Гўзаллик яратмоқ ишқида меҳнат қиладилар. Ижодкорнинг умри ёшлик даври каби жуда шошқин ўтади. Чунки унинг на дам олиш кунлари, байраму таътиллари бор. Ҳамиша нимадир ёзсам, ниманидир ўдаласам, дилларни асир этсам деган умид билан яшайди. Фақат зийрак одамгина қушдек учқир ўтадиган бу даврдан баҳраманд бўлиб қолади. Бу баҳрамандлик эса вақти келиб минглаб қалбларни ёғдулайди. Ўз фаолиятининг меваси сифатида ар муғон этилган китоблар эса ақл қаймоғи бўлиб, идрок элагида эланган жавоҳирот сандиғи бўлиб, кўзларни қувонтиради. Зеро, ҳаёт учун, милтиқ эмас, китоб керакдир. Султон Акбарийнинг турли йилларда чоп этилган китоблари газета ва журналларда эълон қилинган туркум асарлари бугун бир кўргазмани ҳам ташкиллабди. Бу—ҳаёт дастури, меҳнат бўлган мухбир — ижодкорнинг юбилей тантаналарига қуруқ қўл билан етиб келмаганидан далолат бериб туради.

Севимли ёзувчи ва шоирларимиз Одил Ёқубов, Иброҳим Раҳим, Нормурод Нарзуллаев, Ғаффор Ҳотамов ва Тўра Мирзо ҳам камтарин ва баркамол ижодкор Султон Акбарийнинг ижоди ва ўзига хос иқтидори ҳақида батафсил тўхталар эканлар, бир ҳақиқат аён эди: Султон Акбарий чиндан ҳам умр йўлларини гуллар, чечакларга тўлдирибди. Биргина қирғиз эпоси «Манас»нинг таржимаси бутун бир умрга татигулик ишдир, деб бежиз таъкидламади Одил Ёқубов. Икки халқнинг яқинлиги битта китобни қанчалик мароқ билан ўқий билишда ҳам намоён бўлади. Султон ака мабодо Қирғизистонга бориб қолсалар, ҳамиша «ўзимизнинг ёзувчи келди» деб суюниб, унинг атрофини ўраб олишади. Ўз оғаси бўлиб қирғизча сўзга киришиб кетиши ҳақиқатан ҳам икки халқ бирдаму бирлигининг ўзига хос сабабчиси — етук таржимон эканлигига шубҳангиз қолмайди.

— Одил ака тўғри айтадилар, — деб сўз олди шоир Нормурод Нарзуллаев. — Одатда, совчига ўлим йўқ дейишади. Чунки совчилар қалбларни бирлаштириб, остоналарни, хонадонларни бир-бирига боғлайди. Элчига ҳам ўлим йўқ дейишади. Элчилар икки юрт, икки халқ, бегона мамлакатларнинг муаммоларини ҳал қилишга ҳисса қўшади. Мен эса шоирга ҳам ўлим йўқ, деб айтган бўлардим. Чунки шоир — ўз санъати билан дилларни завқу шавққа тўлдиради. Кўнгилга озиқ беради. Султон Акбарийнинг ҳар куни ҳаво мавжлари орқали таралаётган ўнлаб қўшиқлари бор. Шеърлари эса достону балладалари каби кўнгилларнинг қувончидир...

Шу куни Султон Акбарий ҳам қадрдон даргоҳда ўтказилган анжуман ижодкор бахти, шоҳона тахтининг нишонаси эканлигини таъкидлаб, ўқитувчиларга бағишланган шеърларидан ўқиб берди.

У. АБДУАЗИМОВА.

Газета ва муштарий

ТАКЛИФЛАР— ЯНГИЛИК ДЕБОЧАСИ

«Маърифат» газетаси республика маорифчиларининг, бошқа жумҳуриятлардаги ўзбек мактаблари муаллимларининг ягона минбари ҳисобланади. Унинг саҳифаларида ўқитувчиларнинг дарди, қувончи, ўй-ташвишлари, бола тарбиясига оид, маслаҳатлари ўқитиш жараёнини такомиллаштирш борасидаги фикр-мулоҳазалари акс этади.

Газетанинг янада ўқимишли, сермазмун бўлиши эса жамоада меҳнат қилаётган журналистларнинг фаоллигига ҳамда уларнинг муштарийлар билан мустаҳкам алоқаларига боғлиқдир. Шунинг учун газета заҳматкашлари жойларда бўлиб, газетхонлар билан тез-тез учрашувлар ўтказишади. муштарийларнинг таклиф ва истаклари, муаллимлар рўзномаси саҳифасида яна қандай мавзулар акс эттирилиши лозимлиги, нималар ўқишларини орзу қилишлари билан қизиқишади.

Навбатдаги учрашув Абдулла Авлоний номидаги республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида бўлиб ўтди. Уни институт ректори Ғайрат Баҳромович Шоумаров очиб, газетанинг масъул котиби Абдусами Ҳақбердиевга сўз берди. Масъул котиб Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунидан келиб чиқадиган вазифаларга атрофлича тўхталиб, йиғилганлар эътиборини газетанинг мазмунмундарижасига, режалаштирилаётган мавзуларига қаратди.

Сўнг учрашув қатнашчилари газета мавзулари юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Қашқадарё вилояти Косон туманига қарашли 5-мактаб ўқитувчиси Эркин Умрзоқов газетамиз ҳақидаги фикрларини шундай баён қилди:

— «Маърифат»да доимий ҳисобланган «Дарсларни кузатганда», «Бир соатлик дарс», «Амалий машғулотлар», «Илғор тажриба минбари», «Янгилаш даври, янгиланиш даври» каби рукнлар кейинги пайтларда таҳририят ходимларининг назаридан четда қолаяпти. Ваҳоланки, газетада ёритилган ноанъанавий дарслар, илғор ўқитувчилар иш услублари ҳақида мақолаларнинг биз муаллимларга нафи каттадир.

— Мен газетанинг қирқ йиллик мухлисиман, — деб сўз бошлади шу институт ходими Ботир Исмоилов. — Уни ҳар доим кузатиб бораман. Газетанинг ютуқлари қатори киши кўнгил тўлмайдиган жиҳатлари ҳам бор. Масалан, у бу йил тарих ўқитувчиларининг дастур, дарсликлари ҳақида жуда кам маълумот берди.

Домланинг гапларига Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги 16-мактаб муаллими Бахтиёр Эргашев ҳам қўшилди. Айниқса, у янги чиққан дарслик ва ўқув қўлланмалари вилоятларга етиб бормасдан ҳаракатсиз қолиб кетаётганини куйиниб гапирди.

Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги 16-мактабнинг тарбиявий ишлар бўйича директор муовини Рустам Эрдонов экология ва атроф-муҳит муҳофазаси муаммосини, хусусан, сув, ҳаво, тупроқнинг ифлосланишига, ўсимлик дунёси камайиб кетишига қарши жиддий мақолалар ёритиб бориш таклифини киритди.

Очиқ мулоқотда Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 3-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ботир Солиҳов, шу тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Қудрат Турдиев, Андижон вилояти Комсомолобод туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабнинг илмий бўлим мудири Турсунали Гаджиковлар газетада янги рукнлар очиш юзасидан маслаҳатларини баён қилдилар. Айниқса, «Оқ олтин» туманидаги 2-ўрта мактаб муаллими Толидин Бултаковнинг миллий мактаб ички тартиб қоидаларини жорий этиш, янгисини қурмай туриб, эски қонун-қоидаларни бузиб ташламаслик хусусидаги фикрлари кўпчиликка маъқул бўлди.

Хуллас, мактаб раҳбарлари, илмий бўлим мудирлари, методистлар ҳамда олимлар билан «Маърифат» таҳририяти ходимларининг учрашуви ҳар иккала томон учун ҳам фойдали бўлди. Зотан, мулоҳазали таклифлар янгилик дебочасидир. Буни мулоқотда иштирок этганлар мамнунлик билан қайд этишди.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

АНЖУМАН— ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ

Ёшларга сабоқ бериб, уларга ҳунар сирларини ўргатиш, касб танлашга йўналтириш, таълим-тарбияни йўлга қўйишда меҳнат таълими фанининг ҳам алоҳида ўрни борлиги шубҳасиздир. Таълим тизимининг янгиланаётган шароитда ана шу соҳага алоҳида аҳамият берилаётганлиги меҳнат фани мутахассисларини янада қувонтирмоқда. Чунончи, эски дарслик ва дастурлар ўрнида замон талабига ҳамоҳанг бўлаётган дарсликлар, илғор тажрибаларни оммалаштириш каби хайрли ишларнинг қилинаётганлиги ҳар бир муаллимни изланишга, ўз устида ишлашга, ёшларга ҳунар ўргатишнинг изчил йўлларини қидиришга даъват этаётир.

Яқинда Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида ўтказилган меҳнат таълими мутахассисларининг илмий-методик анжумани олдига қўйилган асосий мақсад ҳам вилоятдаги илғор тажрибаларни ўрганиш, меҳнат таълимини юқори поғонага олиб чиқиб, ёшларни кўпроқ ҳунарга ўргатишнинг йўл-йўриқлари билан ўзаро фикр алмашишдан иборат бўлди.

Анжуманда юқори синф ўқувчиларини алоҳида касбларга йўллаш, ўқувчиларни миллий касб, ҳунармандчиликка ўргатиш тажрибасидан, хизмат кўрсатиш машғулотларида миллий каштачиликни ўргатиш, техникавий меҳнат машғулотларида электротехника ишларини ташкил этиш каби ўнлаб мутахассисларнинг маърузалари тингланди, ўзаро фикрлар алмашилди.

Вилоят меҳнат таълими мутахассисларининг илмий-методик анжуманида халқ таълими мутахассислари қаторида ишлаб чиқариш корхоналарининг мутасаддилари, оталиқ ташкилотининг вакиллари, ҳомий ташкилотлар ҳамда ширкат аъзолари ва Қарши давлат университетининг бир гуруҳ олимлари ҳам иштирок этдилар.

Куннинг иккинчи ярмида тумандаги Акмал Икромов номли мактабда меҳнат таълими тажрибаси, ёшларнинг ҳунарли бўлишида бир соатлик дарс маҳорати ўрганилди.

Зулфия ТОЖИЕВА,
Қамаши туманидаги 54-мактаб ўқитувчиси.

БИЙРОН ТИЛЛИ БОЛАЛАР

Тил бойлиги — тафаккур бойлиги. Болаларимиз қанча кўп билимга эга бўлсалар, қанча кўп китоб ўқисалар, фикрлаш доиралари шунча кенг, тиллари шунча бийрон, хотиралари шунча мустаҳкам бўлиши шубҳасиздир.

Чилонзор туманидаги 114-гимназия мактабида ўтказилган Тил байрами бу фикрлар нақадар тўғри эканлигини яна бир бор намойиш қилди.

Байрам йиғинини мактаб директори Мастура Убайдуллаева очди. Саҳнага миллий кийимларда кириб келган ўқувчи ўғил-қизлар Маҳмуд Кошғарий, Юсуф хос Ҳожиб, Алишер Навоий каби улуғ бобокалонларимизнинг тилга буюк эҳтиромлари рамзи бўлган қуйма сатрлари мисолида тилимиз тарихига саёҳат уюштирдилар, қадр топаётган лисонимизнинг бугунги фазлу камоли ҳақида ҳаяжон билан шеърлар ўқидилар.

Болалар қуйлаган қўшиқлар, нафис рақсларда ҳам миллий қадриятларга эҳтиром намоён бўлди. Буларнинг барчасида тил ва адабиёт ўқитувчилари Ўлмасхон Қаҳҳорова ва Матлуба Мирсоатованинг ташкилотчилик самаралари яққол сезилиб турди.

Тил байрамида иштирок этган «Маърифат» газетасининг бош муҳаррири Саъдулла Ҳаким, адабиёт ва санъат бўлими мудири Умида Абдуазимова, «Ёш куч» журналининг масъул ходими Абдураҳмон Жўраев мактабда ўзбек тилини чуқур ўрганишга бўлган эътиборни эътироф этдилар, муаллимлар ва ўқувчи ёшларнинг она тили мавқеини тиклашдаги хизматлари ҳақида сўзладилар ҳамда ўз шеърларидан намуналар ўқидилар.

Ўз мухбиримиз.

ТАШВИШЛАРДАН ҚУТУЛИШДИ

Аччиққўл ва Янгиобод Задарё туманининг чекка қишлоқларидан. Улардаги аҳоли фарзандлари бир неча чақирим олисдаги мактабларга қатнаб ўқишарди. Ота-оналар болалари мактабга борибкелишгунча хавотирда бўлардилар.

Яқинда туман ҳокими М. Шарипов ана шу қишлоқларда 47, 48-тўлиқсиз мактабларни очиш тўғрисидаги қарорга имзо чекди. Ота-оналар яна бир ташвишдан қутулишди. Ҳозир бу илм масканларига 600 нафардан знёд ўқувчи қатнаб бошлашди.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Азиз онажоним Давлатбиби БЕРДИМУРОДОВА!

Ҳурматли онажон, бизни оқ ювиб, оқ тарадингиз. Меҳрингиз, меҳнатингиз самарасиз кетмади. Беш ўғлингиз эл хизматида камарбастамиз.

Онажон! 63 ёшингиз — пайғамбар тўйинғизни нишонлар эканмиз, Сиздек қалбидарё инсон фарзандлари эканлигимиздан фахрланамиз.

Улуғ айёмингиз, пайғамбар ёшингиз муборак бўлсин!

Соғинч ва эҳтиром билан зобит ўғлингиз Жовлибек ЮСУПОВ.

Ҳурматли Матлуба ОРТИҚОВА!

Йигирма олти йилдирки, ёш авлодга тил ва адабиётдан сабоқ бериб, ҳамкасбларингизга эса устозлик қилиб келаяпсиз.

Қутлуғ 50 ёшингиз билан Сизни муборакбод этамиз.

Шайхонтоҳур туманидаги 137-мактаб жамоаси.

Ҳурматли Дилбар ҚУРБОНОВА!

Маориф соҳасидаги самарали меҳнатларингиз, катта тажрибаларингиз учун ҳукуматимиз бир неча бор тақдирлагани биз шогирд ва ҳамкасбларингизни ҳам қувонтириб, сиздек бўлишга ундаяпти.

Бугун қутлуғ 55 ёшингиз билан чин кўнгилдан табриклаймиз, сиҳатсаломатлик доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

Ҳамкасбларингиз, шогирдларингиз, фарзандларингиз ШУҲРАТ, ШАВКАТ, БАҲОДИР Усмоновлар.



Ҳурматли Каромитдин ПАХРИДДИНОВ!

Узоқ йилдирки, Қорақалпоғистон Республикаси ўқитувчилар малакасини ошириш институтида математика кабинети мудири бўлиб ишлаб келаяпсиз.

Сизни қутлуғ 60 ёшингиз билан табриклаймиз!

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти жамоаси.

КАМОЛОТ ИЧРА КЎЗГУ

ИСТЕЪДОДСИЗ БОЛА ЙЎҚ

Фарзандлари мактабда ўқиётган ота-оналарга бир саволим бор: «Ўқув йили давомида бирор марта мактабга бордингизми, ўғлингиз, қизингиз қандай ўқиётганлиги билан ҳеч қизиқдингизми? Борган бўлсангиз яхши, кўп нарсани тушунибсиз. Бормаган бўлсангиз... афсус!»

Ҳозир бозор иқтисоди шароитида яшаяпмиз. Ҳар бир оилада ўзига яраша қийинчиликлар мавжуд. Аммо ўша қийинчиликларни рўкач қилиб болани эсдан чиқармаслигимиз лозим. Мана, янги ўқув йилининг ҳам салкам икки ойи ортда қолди. Мактабларда шундай ҳолат кўзга ташланяпти: баъзи ўқувчилар дарсларга ручка, дафтарсиз келишмоқда. Маълумки, ёзув-чизувсиз болани бир нарсага ўргатиб бўлмайди. Дарсга ўқув қуролисиз кирган ўқувчи шаънига «Мактабга бекор келибди» иборасини ишлатамиз. Демак, боланинг вақти кўкка совриляпти, ўқитувчининг меҳнати-чи? Уни ўлчайдиган тош, меъёр бормикан?

«Буюк давлатга буюк мутахассислар керак?». Унга замин мактаб партасидан тайёрланади. Демак, биз боладаги истеъдоднинг кўзини очсак, келажакда ўша бола, аввало, ўзи бахтли ҳаёт кечиради, сўнгра бошқаларга, жамиятга фойдаси тегади. Давлатимизда қанча истеъдодлар кўпайса, шунча яхши. Турмушимиз фаровонбўлиб бораверади. Сирғали туманидаги 301-мактаб директори Маҳмуда Абдураҳмонова билан суҳбатимиз ҳам мактаб, муаллим ва ота-оналар ҳамкорлиги ҳамда таълим-тарбия хусусида бўлди.

— Мен таъкидламасам ҳам, болага тарбия бериш. ўқитиш мураккаб жараён эканлиги ҳаммага маълум, — деб гап бошлади Маҳмуда опа. — Бу ишга шунчаки, юзаки ёндашиб бўлмайди. Мактабимиз ўқитувчи-тарбиячилари буни жуда яхши тушунишади, ҳис қилишади. Бугунги кунда мактабимизда 2764 ўқувчи таълим олмоқда. Уларга 143 ўқитувчи сабоқ бераётир. Билим даргоҳимизда «Ёш ўқитувчилар мактаби» мунтазам ишлаб турибди.

Турли учрашувлар, мусобақалар болаларда яхши таассурот қолдиради. Тортишувлар, баҳсларни айтмайсизми?! Биз биринчи синфдан то юқори синфларгача турли фанлар бўйича олимпиада ўтказиб турибмиз. Натижалар ёмон эмас: туман, вилоят олимпиада турларида иштирок этдик.

Катта ютуқлар ҳам олдинда. Шуни ўйлаб, ўқитишнинг турли услубларини қўллаяпмиз. Мактабимизда болаларга таълим беришнинг табақалаштириб ўқитиш усули жорий қилинган. Янги дастурлар асосида «Ўзбек тили», «Инглиз тили» чуқурлаштириб ўргатилаётир.

— Ўқув жараёнида дуч келаётган муаммолар, қийинчиликлар тўғрисида ҳам гапирсангиз?

— Муаммо, муаммолар бор. Ўзингиз биласиз. Сирғали тумани кундан-кунга кенгайиб, бу ерда яшайдиган аҳоли сони ортмоқда. Ўтган йилига қараганда, бу йил мактабимизда ўқувчилар кўп, имконият даражасидан ҳам ошиб кетди. Бизда ўқитиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилмоқда. Дарслар эрталаб ва тушликдан кейин ташкил этилган. Бўш хоналар йўқ ҳисоби. Дарсдан ташқари, тўгараклар ташкил қилишга қийналиб турибмиз. Баъзи болалар билан қўшимча машғулотлар ўтказайлик десак, имконимиз кўтармайди.

Илм масканимизда ишлаб чиқилган Низомда таълим тарбиянинг барча жиҳатлари қамраб олинган, Унда ўқувчининг кийиниши қандай бўлиши кераклиги тўғрисида ҳам гап бор. Аммо, баъзи ота-оналар болаларини шунақанги кийинтиришяптики, асти қўяверинг. Манман деган миллионер ҳам йўлда қолади. Майли, ҳар ким уйида хоҳлаганини кийсин. Лекин ўқувчи мактабда маълум қонун-қоида асосида кийиниши шарт. Кийим борасида етти марта жанжал чиқди. Баъзи болалар кийимини йўқотиб қўйиб, бутун дарсни уни излаш билан ўтказмоқда.

— Маҳмуда опа, анча йиллардан буён ўғил-қизларга таълим-тарбия бериб келаяпсиз. Бу йиллар давомида ўзингиз ҳам кўп нарса ўргандингиз, ўргатдингиз. Хўш, айтинг-чи, ўқитувчи билан ота-онанинг муносабати қандай бўлиши керак?

— Ўқитувчи билан ота-оналарнинг мунтазам мулоқотда бўлишлари тарафдориман. Майли, мен бу борадаги жонли мисоллар ёрдамида ўз мулоҳазаларимни баён қилишга ҳаракат қиламан. Мисол учун қишлоқ мактабини олиб кўрайлик. Ўқувчи қанча кўп бўлмасин, оддий ўқитувчисидан тортиб мактаб директоригача барча ўқувчиларнинг ота-онасини беш қўлдай билади. Ўз навбатида ҳамма ота-она ўқитувчиларни танийди. Бу ерда болани икки тарафлама назорат қилишга имкон туғилади. Бола ҳулқ-атворида салбий томонга сал ўзгариш юз берса, мактабда ўқитувчи, уйда ота-она тергайди. Учинчи томонлама назорат қишлоқ аҳли томонидан бўлади. Шаҳарда қишлоқ шароитидагидек ўз-ўзини бошқариш йўқ. Шунинг учун мактабда ўқитувчилардан бир нарсани қатъий талаб қиламан: синф раҳбари, ўқитувчи ўзлари таълим бераётган ўқувчининг ота-онасини билиши, улар билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб туриши шарт. Бу тарбиянинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Ўзим ҳам ўқитувчилик қилаётганимдан буён бир ақидага амал киламан: болани ўқитиб тарбиялаш эмас, тарбиялаб ўқитиш керак. Шундагина ўқитувчи меҳнати самарали бўлади.

Фарзанди қандай ўқиётгани, мактабда ўзини қандай тутаётгани, ўқитувчи, синфдошлари билан муносабати қандай эканлиги билан қизиқмаган ота-она, демакки, боласининг келажаги билан қизиқмайди. Бу бепарволик, агар шундай дейиш жоиз бўлса, кейинчалик нафақат ота-онанинг ўзига, жамиятга ҳам қимматга тушиши мумкин.

Маҳмуда опанинг менга айтмоқчи бўлган гаплари, менинг у кишидан сўрамоқчи бўлган саволларим кўп эди. Дарсга киришга қўнғироқ чалинди. У кишини ўқувчилар кутишмоқда...

Илгарилари вақтнинг қадрига етмас эдик. Энди у даврлар ортда қолди. Замон, давр ўзгарди. Одамлар ўзгарди. Республикамиз мустақилликка эришди. Жамоа хўжалиги теримчиси обрўси даражасида қадрга эга бўлмаган ўқитувчи бугун ардоқда. Президентимиз Фармонлари билан бир неча марта маошлари оширилди, бу ҳам майли-куя, бошқа имтиёзларни айтмайсизми?!

Тўғриси ҳам шу: бир ҳарфни минг машаққат билан болага ўргатаётган ИНСОН улуғланиши керак. Устоз отангдан улуғ деган гап бежиз айтилмаган, ахир.

Юқорида вақт ҳақида гапирдик. Ҳамма ҳам ишли одам. Бозор иқтисодига ўтганимиздан буён «вақт-пул» деган тушунча пайдо бўлди. Лекин, барибир, иложини топишимиз керак: мактабга борайлик, фарзандимиз қандай ўқиётгани билан қизиқайлик. Бундан ўқитувчининг боши осмонга етади.

Абдураззоқ ОБРЎЙ.

ЗИЁЛИЛАРГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК



Талабалар, профессор-ўқитувчилар манфаатини кўзлаб Фарғона политехника институтида яна бир қулайлик яратилди. Институт қошида барпо этилган соғломлаштириш маскани (профилакторий) эндиликда бирваракайига юзлаб инсонлар қалбига малҳам, дардига шифо бермоқда.

Айни пайтда эса соғломлаштириш масканида талабаларнинг етмиш фоизи ҳам ўқиб, ҳам текин даволанишаяпти.

— Оғир шароитга қарамай бу марказнинг ташкил этилганлиги, республика ҳукумати, унинг раҳбарияти томонидан талаба-ўқитувчиларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларни ижтимоий, ҳам маънавий ҳимоялашдан далолат. Мустақил республикамизнинг келажаги учун соғлом авлодларни етказиб бериш, биз шифокорларнинг бош вазифамиздир, — дейди соғломлаштириш маскани бош шифокори Людмила Атаева.—Касалларни даволаш учун бу ерда барча қулайликлар мавжуд. Жумладан, компьютерлар, диагностик-физиотерапия, сувости души, юрак қон томирлари ва ҳоказо хасталикларни аниқлашда қўл келиб, малҳам истаб келганларни даволашда қўли енгил мутахассисларимиз жонбозлик кўрсатишмоқда.

Дарвоқе, шу кунларда соғломлаштириш маркази оғир шароитларга қарамай, ўз таркибини янада кенгайтирмоқда. Чунончи, эндиликда бу ерда фақат институтнинг талаба ва ўқитувчилари даволаниб қолмай, балки вилоятнинг кўплаб туманларидан ўқитувчилар, тарбиячилар, умуман, халқ таълими ходимлари ҳам ташриф буюришиб дам олишмоқда, даволанишмоқда.

●

Суратларда: соғломлаштириш масканидан лавҳалар.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

ИНОБАТГА ОЛИНСА...

Кўпчилик мактабларнинг коридорлари, ўқув ва синф хоналарининг жиҳозланиши кўнгилдагидек эмас. Олдинлари доҳий Ленинга доир, «Дин афъюндир», «Фазогирлар», «Съезддан лавҳалар», «Пионер — қаҳрамонлар» каби стендлар мактабнинг кўрки бўларди. Истиқлол сари борар эканмиз, мактабларимизни ўзимизнинг миллий руҳдаги кўргазмалар билан безашимиз керак. Бу кўргазмаларни тайёрлашда айрим иқтисодий қийинчиликлар бўлиши ҳам мумкин. Лекин ёш авлод тарбиясига лоқайдлик билан қараб ҳам бўлмайди. Китоб дўконларида ҳар турли календарь-тақвимлар сотилмоқда. Мана биттаси: «Бойлар ҳам йиғлайди» фильмининг бош қаҳрамони Марианнанинг расми билан чиқарилган бўлиб, донаси 450 сўмдан, уни ҳамма харид қилади.

1993 йил Аҳмад Яссавий йили деб эълон қилинди. Мактабимизда ҳеч қандай бадиий кўргазмасиз, фақат плакатга ёзилган ҳикматлар билан шу санага бағишлаб адабий кеча ўтказдик...

Республикамизнинг рамзи, байроғи, Навоий боғи, Мустақиллик майдони рангли қилиб плакат тарзида кўп нусхада чоп этилса, маорифчилар уни жон-жон деб харид қилишарди. Бу таклифларим тегишли ташкилотларда инобатга олинишига ишонаман...

И. РУСТАМОВ,

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 6-мактаб ўқитувчиси.

«Мулоқот» мулоқотга чорлайди

ЖУРНАЛ ҲАМ БИР ДАРСЛИК

Маънавият равнақи ва истиқболини кўзлаб 1991 йилда ташкил этилган «Мулоқот» журнали тез орада илмпарвар халқимизнинг эътиборини ўзига тортди, меҳрини қозонди. Унинг саҳифаларидан жой олаётган мақолалар кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Маданий ва тарихий меросимизга оид ҳамда қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизга оид мақолалар кўпгина ўқитувчиларимизга дастур ҳамал бўлаётгани аниқ. Аслини олганда журнал ҳам бир дарслик, ажойиб қўлланма.

Келгуси йилги сонларда Президентимиз Ислом Каримов ишлаб чиққан беш тамойилни таҳлил қилувчи иқтисодиётимиз тўғрисидаги суҳбат ва мақолаларни мунтазам бериб боришга қарор қилганмиз. Шунингдек, азиз ўқувчиларимизнинг санъат ва бадиятга, гўзаллик ва табиатга нечоғлиқ ошуфталигини ҳам ёддан чиқарганимиз йўқ. Шу боисдан ҳам журналимиз зарварақларида жонажон Ватанимизнинг истиқлолини, порлоқ, нурафшон келажагини акс эттирувчи хилма-хил ва бетакрор, гоят жозибали сурат лавҳалар, мўйқалам усталарининг ўлмас асарларидан намуналар бериб боришни ҳам режалаштирганмиз.

Бундан ташқари журнал муҳарририяти янги йилдан бошлаб ўз мавзу доирасини янада кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқмоқда, янги-янги манбаларни излаб топмоқда.

Азиз муштарий, Сиз бундан буён ҳам севимли «Мулоқот»ингиз орқали миллий ва маданий меросимизга таллуқли қимматли топилмалар билан муттасил танишиб борасиз. Миллий истиқлол мафкураси, у қандай бўлиши керак? Журналимиз саҳифаларида айнан ушбу мавзуга бағишланган туркум мақолалар бериш ҳам мунтазам давом эттирилади. Ҳаммамизга маълумки, қоғознинг ўта қимматлашуви, алоқа ва босмахона учун тўланаётган бадалларнинг ошиб кетиши журнал таннархига ҳам қаттиқ таъсир қилмоқда. Ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, журнал ижодий жамоаси ҳомийлар ёрдамига таяниб, обуначиларга енгиллик туғдириш мақсадида журналнинг бир сони обуна баҳосини 338 сўм қилиб белгилашни маъқул топди.

«Мулоқот»га 1994 йил обунаси бошланди. Индексимиз: 75401. Бир йиллик обуна баҳоси 4058 сўм.

Абусаид НУРБОЕВ.

ЧОРРАҲА ЧИРОҚЛАРИ

Эрталаб ишга шошаётганингизда ёки бўлмаса ишдан қайтаётганингизда серқатнов автомобиллар йўллари бўйида бир-бирига тегажоғлиқ қилиб кетишаётган болакайлар гуруҳига ҳойнаҳой кўзингиз тушган бўлса керак. Бироқ уларнинг ўйинқароқликлари бирда бўлмаса бирда оғир фожиа билан тугашини ўйлаб кўрганмисиз?

Кўча ҳаракати қондаларига риоя этмаслик оқибатида, айнан болалар иштирокидаги содир бўлаётган фалокатлар, юзаки қаралганда, йўқдек туюлади. Тошкент шаҳар давлат автомобиль назорати бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари Азиз ЭРНАЗАРОВ билан бўлган суҳбатда аҳвол ўйлаганимизчалик қувонарли эмаслигига амин бўлдик.

— Одатда бола тарбияси оиладан бошланиб, кейин мактаб, маҳалла, қолаверса, жамиятда давом эттирилади. Ўша боғлиқликка путур етган жойда кўнгил хираликлар кўпаяди.

Болаларнинг серқатнов кўчаларда ўзларини тута билиши масаласига келсак, аввало, ота-оналар бу борада жиддий ўйлашлари керак. Оиладаёқ фарзандида кўча ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини маълум даражада шакллантириш лозим. Мактабда эса бу иш мавжуд дастур асосида давом эттирилади. Иккала маскан оралиғида болалар, турган гапки, жамоатчилик назоратида бўлишади. Худди шу жойда барчамиз масъулликни сезишимиз керак.

Ўтган 8 ой мобайнида пойтахтимиз кўчаларида 483 та йўл-транспорт фалокати болалар иштирокида содир этилган. Бу, аввалги йилларга қараганда 11,3 фоиз ошганлигини, ҳалок бўлганлар сони эса 6,9 фоизга ортганлигини кўрсатади. Ўзларининг эҳтиётсизликлари оқибатида 277 нафар мактаб ўқувчиси ҳамда 74 нафар мактабгача ёшдаги болалар турли хил тан жароҳатлари олишган. Улардан айримларининг ҳаёти эса энг бахтиёр, беташвиш онларда сўнди. Бундай ҳолатлар, айниқса, шаҳардаги 125, 74, 146, 110, 24, 243-мактабларда ҳамда 478, 544, 585, 53-болалар боғчаларида кўплаб такрорланмоқда.

Шунингдек, болалар велосипед ҳайдаб юрганларида ҳам кўпгина нохушликлар келтириб чиқаришяпти. 3-мактаб ўқувчиси В. Чернов, 37-мактаб ўқувчиси О. Костиченко, 209-мактаб ўқувчиси А. Розиевлар серқатнов автомобиль йўлларида велосипед ҳайдаб юрганларида фалокатга учраб, оғир тан жароҳатлари олишган. Бу каби ҳодисаларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бироқ шунчаки уларни санаб ўтган билан иш битмайди. Улар бизни янада сергаклантириб, келгусида бундай ишларнинг олдини олиш чораларини қидиришга мажбур этади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мактаб болага йўл ҳаракати қоидаларини ўргатувчи асосий масканлардан бири. Ҳозирда эса йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш ва ўрганишга бир ўқув йилида 17 соатгина ажратилган, холос. Бизнингча, бу соҳага ҳам тарбиянинг бир тармоғи дея қаралиб, мунтазам равишда болаларга тушунча бериб борилмоғи керак. Қолаверса, хорижий мамлакатларда бўлгани каби катта кўчалар атрофидан велосипедлар учун алоҳида йўлакчалар ажратиш ҳам лозим. Шу ўринда яна бир муаммони, яъни Тошкентдай улкан шаҳарда автошаҳарча йўқлигини таъкидлаб ўтиш ўринли. Тўғрироғи, илгари бундай жой бўлган, метро қурилиши туфайли у ер тикислаб юборилган. Бир қулайлик яратилиб, иккинчисидан воз кечиш нотўғри. Негаки, айнан автошаҳарчада ўқувчиларга тўлақонли тартиб-қоидаларни ўргатишни йўлга қўйиш мумкин. Бошқармамиз шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи билан келишган ҳолда юқоридаги каби муаммоларнинг ҳал этилишини илтимос қилиб, Тошкент шаҳар ҳокимиятига мурожаат қилмоқчимиз. Ишонамизки, яқин орада бу муаммо ҳал бўлади.

А. РАҲИМОВ.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИДА 1993 ЙИЛ 1 НОЯБРДАН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ РЕЖАСИ АСОСИДА НАВБАТДАГИ КУРСЛАР ИШЛАЙ БОШЛАЙДИ.

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади.

ВУМОИ ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари — ўзбек гуруҳи 1—6 ноябрь.

Вилоят ХТБ назоратчилари — ўзбек гуруҳи 1—13 ноябрь.

Туман (шаҳар) методмаҳкама мудирлари — ўзбек гуруҳи 15—27 ноябрь.

Ўрта мактаб директорлари — ўзбек гуруҳи 1—27 ноябрь.

Олий ва I тоифали физика ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи 1—27 ноябрь.

Математикани чуқур ўрганадиган мактаб ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи 1—27 ноябрь.

Бошланғич синфлар бўйича туман (шаҳар) методмаҳкама методистлари — ўзбек гуруҳи 15—27 ноябрь.

Қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчилари методбирлашма раҳбарлари — қозоқ гуруҳи 1—13 ноябрь.

Она тили ва адабиётни чуқур ўрганадиган мактаб ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1—27 ноябрь.

Рус мактабларида ўзбек тили ўқитувчилари методбирлашма раҳбарлари — ўзбек гуруҳи 1—13 ноябрь.

Эски ўзбек (араб) ёзувини ўрганиш (маърузачилар гуруҳи) ўзбек гуруҳи 1—27 ноябрь.

Махсус нутқий болалар боғчаларида болаларни тасвирий санъатга ўргатиш бўйича тарбиячилар — аралаш гуруҳ 1—27 ноябрь.

Биология ўқитувчилари методбирлашма раҳбарлари — ўзбек гуруҳи 1—27 ноябрь.

Олий ва биринчи тоифали жисмоний тарбия ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи 1—27 ноябрь.

Чақириққача ёшларни тарбиялаш бўйича туман (шаҳар) методбирлашма раҳбарлари — ўзбек гуруҳи 15—27 ноябрь.

Тарих ўқитувчилари методбирлашма раҳбарлари — ўзбек гуруҳи 1—13 ноябрь.

Рус тилини чуқур ўрганадиган мактабларнинг рус тили ва адабиёт ўқитувчилари —аралаш гуруҳи 1 —27 ноябрь.

Олий ва I тоифали немис тили ўқитувчилари — аралаш гуруҳи 1—27 ноябрь.

Табиат курсини ўқитаётган ўқитувчилар (география, биология, физика) маърузачилар гуруҳи — ўзбек гуруҳи 15—20 ноябрь.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари институт ҳисобидан тўланади.

Йигирма тўрт кунликка келган курс тингловчилари санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакториядa 2—4 ноябргача қабул қилинади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Студентлар шаҳарчаси.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари ўзбек адабиёти кафедрасининг доценти, филология фанлари номзоди Тоҳир Шермуродовга падари бузруквори

Шермурод бобо МУҲАММАДИЕВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент педагогика коллежи жамоаси коллеж ўқитувчиси

Азим Ҳамидович ҲАМИДОВ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари ҳамда Умумий педагогика кафедраси жамоаси шу кафедра катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди

Фатхулла Ориф ўғли УМАРОВ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат дорилфунуни ректорати, касаба уюшмаси, педагогика кафедраси жамоаси шу кафедранинг ташкилотчиси, профессор

Султон РАҲИМОВ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани халқ таълими бўлими ва 73-мактаб жамоаси хизмат кўрсатган ўқитувчи, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси

Лола Каримовна РАҲИМОВА

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир: Саъдулла ҲАКИМ
Таҳрир ҳайъати:
Умида Абдуазимова, Ашурали Аҳмедов,
Алишер Каримов, Ғаффор Маннопов,
Абдулла Орипов, Тотлимурод Отамуродов, Маҳкам Раҳмонов,
Маҳмуд Саидаҳмедов, Баҳром Қодиров, Бегали Қосимов,
Абдусами Ҳақбердиев /масъул котиб/.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент, 700083,
Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР:
масъул котиб — 32-54-17,
хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000040.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-549. 91379 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 19.30. 1 2 3/1 5 6.